

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2020 йил 11 майдаги
378/02-11-сонли хатига илова

**Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича
ХУЛОСА №_____**

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Наманган вилоят ҳокимлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ташаббускорлик асосида.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

“IFTIHOR KIYIM SANOAT” МЧЖга лойиҳа доирасида белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йифимдан ташқари) озод этиш тўғрисида.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурӯҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурӯҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурӯҳлари – “IFTIHOR KIYIM SANOAT” МЧЖ;

давлат органлари гурӯхи – Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Наманган вилоят ҳокимлиги;

бошқа иштирокчилар гурӯхи муносабатлари – мавжуд эмас.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 2-бандида истисно тариқасида 2023 йил 1 январга қадар “IFTIHOR KIYIM SANOAT” масъулияти чекланган жамияти томонидан, иловага асосан, олиб келинадиган асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар ва қурилиш материаллари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йифимдан ташқари) озод этилиши кўзда тутилган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Қарор лойиҳасининг 2-бандида истисно тариқасида 2023 йил 1 январга қадар “IFTIHOR KIYIM SANOAT” масъулияти чекланган жамияти томонидан, иловага асосан, олиб келинадиган асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар ва қурилиш материаллари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йифимдан ташқари) озод этилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равишда бериши **таъқиқланиши кўрсатилган**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да **хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив хукуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар **бериш амалиётидан возкечиш** кўрсатилган.**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “**Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-3756-сонли қарорига асосан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қонунлар ва **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан** умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, худудлар учун берилиши, вақтинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши, индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан берилиши кўрсатилган.

Шу билан биргаликда, қарор иловасида келтирилаётган аксарият маҳсулотлар **республикада ишлаб чиқилади**. Жумладан, краска ва лаклар

(ТН ВЭД 252520), пластмассадан ясалган қурилиш деталлари (ТН ВЭД 3925), цемент, бетон маҳсулотлари (ТН ВЭД 681091), керамика плиткалари (ТН ВЭД 6907) ва бошқалар.

Мазкур маҳсулотларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилишини **инобатга олиб, маҳсулотларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиниши** мумкинлиги билдирилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қарор лойиҳаси қабул қилинишини мақсадга мувофиқ эмаслиги билдирилади.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу Қарор лойиҳасини қабул қилиниши оқибатида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликлар берилиши “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепциясига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сонли қарори талабларига зид эканлигини инобатга олиб, қарорни қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ**

**Наманган вилоятида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал
ривожлантириш, экспортга йўналтириладиган маҳсулотлар ишлаб
чиқариш ҳажмлари ва турларини кенгайтириш тўғрисида**

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини диверсификациялаш ва жадал ривожлантиришни таъминлаш, инвестицияларни кенг жалб этиш йўли билан рақобатбардош, ташқи бозорларда талаб қилинадиган тайёр, экспортга йўналтириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ва турларини кенгайтириш ҳамда Наманган вилоятини 2020 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. “IFTIHOR KIYIM SANOAT” масъулияти чекланган жамияти томонидан Наманган вилояти Наманган шаҳрида умумий қиймати 11 млн.евролик янги тикувчилик фабрикасини қуриш лойиҳаси амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Истисно тарикасида, 2023 йил 1 январга қадар “IFTIHOR KIYIM SANOAT” масъулияти чекланган жамияти томонидан, иловага асосан, олиб келинадиган асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар ва қурилиш материаллари (кейинги ўринларда - товарлар) божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиги ва божхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари) озод этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси (Б.Мусаев), Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов), Наманган вилоят ҳокимлиги (Х.Бозаров) билан биргаликда ушбу қарорга мувофиқ олиб келинадиган товарларни мақсадли фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатсин.

Белгилансинки, олиб кириладиган товарлардан номувофиқ фойдаланилган тақдирда, божхона имтиёзлари берилиши туфайли тўланмаган божхона тўловлари суммаси қонунчиликда назарда тутилган тартибда молиявий санкциялар қўлланилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига ундирилади.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Наманган вилояти ҳокими Х.Х.Бозаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири**

А.Арипов